



O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

O'ZBEK TIL VA ADABIYOTI

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

2/2022

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Ё.Одилов. Тил сиёсати: давлат тили, расмий тил ва миллий тиллар	3
Г.Розиқова, М.Бурханова. Новербал воситаларнинг эмотив хусусиятлари . . .	10

Адабиётшунослик

И.Адилова. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шеърӣ маҳорати	18
С.Мели. Фаҳриёр феномени	24
У.Ҳамдамов. Шеърӣятда вазн алмашинуви жараёни	33
М.Отажанова. Миф – бадиӣ тафаккур асоси сифатида	36

Илмий ахборот

Н.Сабилова. Хоразм халфачилигининг илк манбалари	44
Ш.Амонов. Табиӣ таржеъбандларининг матний хусусиятлари	48
Б.Абдурахмонова. “Қутадғу билиг”да талмех санъати	52
Д.Рустамова. Навоӣ ижодида фард жанри	57
О.Ҳамроева. Мумтоз поэтикада радиф ва ҳожиб тадқиқи	60
М.Мансурова. Ҳикояда Фитрат образининг бадиӣ талқини	65
Б.Шукурова. Ҳикояда эстетик идеалнинг намоён бўлиши	70
В.Аҳмедова. Усмон Азим драматургиясининг тасвир предмети	74
Ғ.Атаджанов. Бадиӣ таржимада миллий реалияларнинг ифодаланиши . . .	77
Н.Норова. Ҳозирги шеърӣятдаги поэтик янгиланишлар ҳақида	81
Т.Дусанова. “Маҳбуб ул-қулуб”да бадиӣ санъатлар	86
А.Ҳасанов. Тилдаги лексик бўшлиқлар ва уларни тўлдириш муаммолари . .	89
М.Сабилова. Газета матнида коннотациянинг ифодаланиши	97
К.Юсупова. Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда рекламавий битикларнинг лисоний илдизлари	101
О.Ҳўжамуродова Шеърӣятда гул лексемасининг лингвопоэтик хусусиятлари	107
Ж.Юнусова. Шавкат Раҳмон шеърларида синонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари	112
Х.Бобоҷонова. Ўзбек тилида арабизмларнинг семантик ўзгариши	116
Ш.Алимова. “Шўро” журналида қипчоқ этноними тадқиқига доир чиқишлар	122

Танқид. Такриз. Библиография

Х.Жабборов. Этнология терминлари қомусий луғати	127
---	-----

Илмий ҳаёт

Ҳамдам Абдуллаев	130
----------------------------	-----

мухаббатиди, учувчи ва Жўранинг олам манзарасига юксаклардан қараш орзуларида романтик бўёқлар кузатилади.

Драма финалида Саодат ва Жўранинг Самарқандга боришга аҳд қилиши миллат тафаккури янгиланаётгани, шахсларнинг жараёни бошлангани, саодатли кунлар яқинлигига умид уйғотади. Олис Маккада Ватан соғинчи билан жон таслим қилган Музаффар махсум, истиклол шарофати билан отамакон билан дийдорлашуви бир қадам бўлиб қолган Абдусамат Тўқсабоннинг невараси – Муҳаммад Чағана каби эпизодик образлар аччиқ қисмати драманинг қиёсий руҳи ва ватанпарварлик ғоявий пафосини янада ортиради.

Қўринадики, У.Азим драмада кескин ижтимоий табақаланиш, инсон ор-номуси, Ватан, халқ тақдири, шахсий манфаатпарастлик, наркобизнес ва коррупциянинг авж олиши каби муаммоларни кун тартибига қўйган. Уларни имкон даражасида бадиий гавдалантиришга ҳам уринган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада “Бир қадам йўл” драмаси мисолида Усмон Азим ижодининг ички тадрижида монологик нутқ шаклидан диалогик нутқ кўринишига ўтиш зарурати туғилиши, ҳаракат ва фаолиятдаги инсоннинг драматург асарлари тасвир предметида айланиши ўрганилган.

РЕЗЮМЕ. В статье исследована необходимость перехода от формы монологической речи в диалогической речи во внутренней эволюции творчества Усмана Азима, превращение человека постоянного действия в предмет изображения драматических произведений на примере драмы поэта «Дорога длиною в шаг» (“Бир қадам йўл”).

RESUME. The article examines the need to move from the form of a monologue to a dialogical speech in the internal development of Osman Azim’s creativity on the example of the drama “One Step Way”.

Таянч сўз ва иборалар: бадиий ижод психологияси, драма, давр ва шахс фожияси, диалогик нутқ, конфликт, фабула, характер.

Ключевые слова и выражения: психология художественного творчества, драма, трагедия эпохи и личности, диалогическая речь, конфликт, фабула, характер.

Key words and word expressions: psychology of artistic creativity, drama, tragedy of the period and personality, dialogical speech, conflict, plot, character.

Ғулом АТАДЖАНОВ

БАДИЙ ТАРЖИМАДА МИЛЛИЙ РЕАЛИЯЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

(Кенгесбой Қаримовнинг “Оғабий” романи таржимаси мисолида)

Ҳар бир халқ миллат сифатида шаклланиб бораётган, ўзининг тили, дини, урф-одати-ю анъаналари, маросим ва удумларига эга бўлади. Бадиий таржимада миллий реалияларни ўғиритиб мутаржим учун Рустам анчагина машаққатлар туғдиради. Бу муаммони кузатиш учун Рустам Мусурмон таржимасидаги “Оғабий” романидаги миллий реалиялар ўғирмасига диққат қаратамиз. Ушбу асар таржимасининг кириш қисмида мутаржим «Оғабий» романининг таржимасига киришишдан олдин

А.Ориповдан фотиҳа олганлиги ҳақида шундай хотирлаб ёзади: “2013 йилнинг куз ойлари эди. Кенгесбой оға хизмат сафари билан “Дўрмон” ижод уйига келган кезлари. Мен “Оғабий” романини таржима қилишга ният қилганман, аммо уни амалга ошириш учун журъатми, кайфиятми етишмаётгандай ишни бошлолмаётган эдим. Кенгесбой оға билан Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла ака Ориповнинг ҳузурига бордик. Қорақалпоқ диёри ва адабиёти ҳақида гап бўлса, Абдулла ака яйраб кетарди. Кенгесбой оғани “Оғабий” роман-диалогияси билан табриклади. Шу аснода дилимдаги сўз тилимга кўчди: – Абдулла ака, оқ фотиҳа берсангиз, Кенгесбой оғанинг шу асарини ўзбек тилига таржима қилсам... Абдулла ака ўйланиб қолди. Бироздан сўнг: – Бошқа халқлар адабиётидан таржима қилингандан кўра, қардош халқлар адабиётидан таржима қилиш қийин. Айниқса, роман таржимаси... Матн жуда ҳам ўзбекчалашиб кетмаслиги керак. Миллий руҳ, миллий урф-одат ва характерлар ифодасини сақлаб қолиш керак. Таржимоннинг айби билан қорақалпоқ тилидаги асарнинг “шира”си, “таъми” ва “ранг”и ўзгариб, “чучмал”лашиб кетмаслиги зарур. Ҳар бир халқнинг ҳаётида фақатгина шу халққа тегишли бўлган шундай нозик ҳолатлар ва ифодалар борки, улар маҳорат билан таржима қилинмаса, ўз моҳиятини йўқотиши ёки тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин... Хуллас, бадиий таржима ҳақида бир катор фикр-мулоҳазаларни билдириб, Абдулла ака роман-диалогияни таржима қилишга оқ фотиҳа берди”¹.

Дўрмондаги ана шу суҳбат-мулоқотидан сўнг Р.Мусурмон Кенгесбай Каримов ва Абдулла Ориповларнинг далдаси ва оқ фотиҳасини олиб, роман таржимаси устида иш бошлайди. Бир қарашда ўзбек-қорақалпоқ халқларининг қардош тил ва миллат бўлгани боис таржима жуда осондек кўриниши мумкин. Аммо шоир А.Орипов таъкидлаганидек, қардош халқлар адабиётидан таржима қилиш ҳам машаққатли ишдир. Чунки ҳар бир халқнинг ўз миллий руҳи, урф-одат ва анъаналари ва характери бўлади. Шу маънода, мутаржим “Оғабий” романи таржимасида қорақалпоқ миллий характери ва қорақалпоқ миллий руҳини сақлаб қолишга интиланлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қорақалпоқ халқ ўйинларидан бири бу **“қашарман тўп”**дир. Бу сўз аслият матнда шундай қўлланилган: **“Қашарман топ, шуллик, асық ойындагирлегенлердинъедебинберипқоятуғын, еркеөскен, ата-анасының жалғызи Қайырдыңэнжақсы көретуғын нәрсеси ат минийў менен аңшылық эди”**². Энди мазкур парча ўзбек тилида куйидагича акс этган: **“Мол жунидан ясалган копток, чиллак, ошиқ ўйинида гердайганларнинг адабини бериб қўядиган, эркатоӣ, ота-онасининг ёлғизи Қайирнинг энг яхши кўрадиган машғулоти от миниш ва овға чиқиш эди”**³. Кузатяпмизки Р.Мусурмон аслиятдаги **“қашарман тўп”** қорақалпоқ миллий ўйин

¹ Каримов К. Оғабий. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2020, 3–4-бетлар.

² Каримов К. Оғабий. – Нукус: Билим, 2013, 7-бет.

³ Каримов К. Оғабий, 14-бет

номини “мол жунидан ясалган копток” деб ўтиради. Бизнингча, таржимон “мол жунидан ясалган копток” деб ўгирмасдан, аслиятдаги “қаншарман тўп”ни фонетик жиҳатдан ўзбекчага мослаштириб бериши мумкин эди. “Мол жунидан ясалган копток” деб ўгирилишида сўз чўзилиб кетган, иккинчидан қорақалпоқ миллий реалиясига путур етган. Назаримизда, Р. Мусурмон “қаншарман тўп” миллий реалиясини таржимада асл ҳолида бериб, матн остида бу сўзга изоҳ бериши маъқул эди. Қорақалпоқ тилининг изоҳли лугатида бу сўзга қуйидагича изоҳ берилади: “Қашарман (ат) Топ ойиында қашыўга белгиленген орын”⁴.

Романда қорақалпоқ халкининг миллий урф-одат ва анъаналаридан бири “айдар тўй” ва “айдар соч” миллий реалиялари ҳам ишлатилган. Ўзбек халкининг “суннат тўйи” қорақалпоқларда “айдар тўй” деб аталади. Демак, ҳар икки халқнинг миллий маросим тўйи бир хил, аммо номланиши ҳар хил. Аслиятда қўлланилган “айдар соч” маросими “айдар тўй”дан олдин ўтказилади. Яъни қорақалпоқ миллий урф-одатларига кўра олти-етти ёшга тўлган, суннат қилиниши керак бўлган ўғил болаларга “айдар тўй”дан олдин “айдар соч” маросими қилинади. “Айдар соч” маросимида ўғил боланинг сочи олиниб, бошининг тепасида озгина кокили қолдирилади. Бу кокил соч суннат қилингунча туради. Мисол келтирамиз: *“Торықасқа ержесип, Амантүбекти жайлаган дөгеректеги еллердиң тойларын дубирдетип, байрақ алып жургенде Ережеп те шыбық атты таслап, суннет той менен айдар тойын тойлап болган, әкеси Құлшыға мегзеп, бойшаң болажағынан дәрек берип, ақсары жузине көк көзлери жарасып, аўыл арасын шаңғытып жүретугын бала эди”*⁵. Қорақалпоқ тилининг изоҳли лугатида “айдар” сўзига қуйидагича изоҳ берилади: “Айдар-ат. Белги, жас балалардың төбесине қойылатуғын бир тал шаш, тулым. Масалан: Халқын жыйып ҳаялына кеңесип, Ҳәр балаға айдар тағып, ат қойды (А.Дабиллов)⁶. Юқоридаги аслиятдан олинган парчанинг ўзбекча таржимасига диққат қаратамиз: *“Тўриққашқа улғайиб, Амантүбекнинг теvarак-атрофида жойлашган элларнинг тўйларини дупурлатиб, байроқ олиб юрганда Эрежеб ҳам хивич отни ташлаб, суннат тўйи билан ҳайдар кокил тўйини тўйлаб бўлан, отаси Қулчига ўхшаб бўйчан бўлаётганидан дарак бериб, оқ-сарик юзига кўк кўзлари ярашиб овул сўқмоқларини чангитиб чопадиган бола эди”*⁷.

“Ҳар қандай асар қайси халқ маҳсули эканлигини, унинг миллий хусусиятларини иккинчи бир халқ маънавиятидаги тегишли хусусиятлар билан аралаштириб юбормаслик учун ўша асардаги миллий ўзига хосликни ва реалияларни тўлиқ қайта тиклаш таржиманинг асосий шартларидан биридир”⁸, – деган эди Р.Абдуллаева.

⁴ Qaraqalpaq tilining tusindirme so'zligi. – Nukus: “Qaraqalpaqistan”, 1982, 327-bet.

⁵ Ko'rsatilgan asar, 21–22-betlar.

⁶ Qaraqalpaq tilining tusindirme so'zligi, 40-bet.

⁷ Ko'rsatilgan asar, 35-bet.

⁸ Абдуллаева Р. Шиллер ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2012, 72-бет.

Аслиятда ишлатилган яна бир миллий қорақалпоқ реалияларидан бири “сарқит” сўзидир: “Қулшы бийдин шаңарагында атақлы бийлердин сарқытын жеў әдети бар болыб, қонақлар кетген соң әсиресе балалар, келинлер бас табақтан, тететабақтан аўыз тийип, сол бийлердей, батырлардай, шешенлердей болыўы, аналар солардай азамат перзент көриўди тилер әди. Көп өтпей, Жанымқыз сарқыт жегизийўе Эрежепти ертип, уйге кирди”⁹.

Таржимаси: “Қулчи бийнинг чангорогидан атоқли бийларнинг сарқитини ейиш одати бор әди. Қўноқлар кетгандан сўнг айниқса болалар, келинлар бош тобоқдан, тета тобоқдан оғиз тегиб, шу бийлардай, ботирлардай, чечанлардай бўлишни, оналар шулардай азамат фарзанд кўришни тилар әдилар. Кўп ўтмай Жонимқиз сарқит ейишга Эрежебни эргаштириб уйга кирди”¹⁰.

“Сарқит” сўзи қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида шундай изоҳланади: “Сарқит – от. Бир заттан, ўақаттан қалдырып басқаларга берилатуғын бөлек бөлим. Мынаў анаў жайда отырғанларга сарқыт болсын. (Ж.Аймурзаев)”¹¹. Демак, Қорақалпоқ халқи орасида улў инсонлардан, яъни меҳмонлардан ортиб қолган емиш ва унинг шу ерда ўтирганларга улаштирилиши “сарқит” дейилар экан. Яъни иззатли меҳмоннинг қадри бошқаларга ҳам юксин маъносида, шундай мақомга эришиб юриш насиб этсин деган маънода қорақалпоқлар орасида бу миллий удум ҳозирги кунгача давом этиб, сақланиб келади.

“Сарқит” ўзбек-қорақалпоқ халқлари орасида ишлатиладиган сўзлардан бири ҳисобланади. Аммо ўзбек халқи орасида “сарқит” миллий удуми йўқ. Аммо “сарқит” сўзи ўзбек тилида салбий маънода ишлатилади. Р.Мусурмон ушбу миллий реалиянинг аслиятдан тўғридан-тўғри ўзини олган, аммо роман матнида бу сўзга изоҳ бермаган. Назаримизда, “сарқит” миллий удумига таржимон ёки матн ичида, ёки матн охирида изоҳ бериши керак әди.

Роман матнида учрайдиган миллий реалиялардан яна бири “Шаңарақ” дир. Бу сўз қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида шундай изоҳланади: “Шаңарақ – ат. 1. Қара уйдин уўықларын бириктириб услап туратуғын тоғыннан исленген дөңгелек шеңбер. Шаңарақтан басқа жерден ҳешқандай самал киретуғын эмес (Т.Қайыпбергенов). 2. Аўыс. Хўжалық, уй, семья. Тақсыртөлеўге кеширмесижоқшаңырақларқәйтеди (К.Султонов)”¹² Демак, қорақалпоқларнинг ўтов уйининг энг тепа қисми “Шаңарақ” деб номланади. Иккинчи маъноси эса, “оила” маъносида келади. Мутаржим “Шаңарақ” миллий реалиясини ўзбек тилида “чанғароқ” деб беради. Ўзбек тилида “чанғароқ” сўзига шундай изоҳ берилган: “Чанғароқ–ўтовнингусткиқисмидагитуйнукчамбараги. Ўтов чанғарогидан дастурхонга тафтли нур түшди. Т.Мурод. Юлдузлар мангу

⁹ Ko'rsatilgan asar, 169-bet.

¹⁰ Ko'rsatilgan asar, 249-bet.

¹¹ Qaraqalpaq tilining tusindirme so'zligi, 181-bet.

¹² Qaraqalpaq tilining tusindirme so'zligi, 506-bet.

ёнади”¹³. Демак “Шаңарақ” сўзи “чанғароқ” деб тўғри таржима қилинган. Аммо, сўзнинг қорақалпоқ тилида иккита маъноси бор. Роман матнида бу сўзнинг ҳар иккала маъноси қўлланилган.

“Шаңараққа тускен жақыдан сетем алган Бектемир оянып кетти”¹⁴.

Таржимаси: “Бектемир чанғароққа тушган ёруғликни сезиб, уйғониб кетди”¹⁵.

Мазкур парчада “шаңарақ” сўзининг биринчи маъноси қўлланилган ва уни таржимон ўзбек тилида тўғри бера олган. Аслида, “шаңарақ” ва “чанғароқ” сўзлари фонетик жиҳатдан ниҳоятда бир-бирига яқин талаффуз қилинади. Фақат “и” ва “ч”, “қ”, “ғ” товушлари ҳисобида бир-биридан фарқланади. Р.Мусурмон “шаңарақ” сўзига муқобил эквивалент қўллай олган.

Хулоса қилиб айтганда, Р.Мусурмон таржимасида чоп қилинган “Оғабий” романининг ўзбекча нашрида қорақалпоқ халқига хос миллий реалиялар ва миллий рух тўғри англаб, таржима қилинган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада қорақалпоқ ёзувчиси Кенгесбой Каримовнинг Рустам Мусурмон таржимасидаги “Оғабий” романидаги миллий реалияларнинг таржимада қайта акс этиши муаммоси ўрганилди.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается проблема отражения национальных реалий в переводе романа каракалпакского писателя Кенгесбая Каримова «Агабий» в переводе Рустама Мусурмона.

RESUME. The article examines the problem of reflection of national realities in the translation of Karakalpak writer Kengesboy Karimov's novel «Agabiy» translated by Rustam Musurmon.

Таянч сўз ва иборалар: аслият, таржима, таржимон, реалия, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: оригинал, перевод, переводчик, реалия, мастерство.

Key words and word expressions: originality, translation, interpreter, reality, skill.

Насиба НОРОВА

ҲОЗИРГИ ШЕЪРИЯТДАГИ ПОЭТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ҲАҚИДА

XX асрнинг охири ҳамда мустақиллик даври ўзбек шеъриятига жаҳон ва мумтоз адабиёт анъаналари таъсирида янги поэтик шакллар кириб кела бошлади. Бу бадиий шакллар ижод аҳлининг шаклий-услубий изланишлари натижаси эканлиги шубҳасиз. Жумладан, иккилик, учлик каби шеърий шаклларга мурожаат кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Н.Жабборов бу давр шеъриятига хос хусусиятларни куйидагича тасниф

¹³ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашрияти, 2004, 457-бет.

¹⁴ Каримов К. Оғабий. – Нукус: Билим, 2013, 3-бет.

¹⁵ Каримов К. Оғабий. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2020, 8-бет.